

ЁШЛАР ОРАСИДА РАДИКАЛИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ ЗАРУРАТИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ

Халилов Ж. С. -

*Шаҳрисабз давлат педагогика
институтини мустақил тадқиқотчиси*

Жаҳон миқёсида фаолият кўрсатаётган нуфузли университетлар, илмий-тадқиқот институтлари ҳамда илмий таҳлил марказларида жамият миқёсидаги радикаллашнинг умуминсониятга ва муайян давлат фаолияти ҳамда халқ ҳаётига таъсири, радикаллашув жараёнининг турли мамлакатлар ва ҳудудларда хилма-хил намоён бўлишининг сабаблари ва оқибатлари билан боғлиқ мавзу ва масалаларни илмий нуқтаи назардан ўрганишга ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилишга алоҳида диққат қаратилмоқда. Айни пайтда, радикал шахслар ва радикал мазмунда иш олиб бораётган гуруҳлар фаолияти, уларнинг шаклланиши ва жамият ҳаётига таъсири билан боғлиқ масалаларни комплекс-тизимли таҳлил қилиш ҳамда шу асосда ҳулосалар чиқариш, тегишли таклиф ва тавсиялар тайёрлашга кўпроқ эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда барқарор ривожланиш, халқ бирлиги ва яқдиллиги, давлат ва жамиятнинг ўзаро ҳамкорлиги, миллатлараро ва конфессиялараро мулоқот, маданиятлараро алмашинув масалаларига оид ислохотлар жараёни жадал амалга оширилмоқда. Фикрлар хилма-хиллиги, қарашлар ва ёндашувларнинг турли-туманлиги билан воқеликка айланаётган ушбу жараёнда Президентимизнинг “Ҳаммамиз бир ҳақиқатни унутмаслигимизни истардим. Ҳаёт бор экан – жаҳолат ҳам, маънавий таҳдидлар ҳам бўлиши табиийдир. Аммо энг хатарлиси—юрт келажигига лоқайдлик, эзгу кадриятларга нисбатан бепарволикдир. Тинч ва фаровон ҳаёт куриш учун, аввало, одамлар қалбида бир-бирига ҳурмат, халққа, Ватанга меҳр ва ишонч мустаҳкам бўлиши зарур”¹ деб таъкидлагани асло бежиз эмас. Ушбу йўналишда радикализмнинг жамият ҳаёти учун хатарли иллат ва турли таҳдидлар омили сифатида намоён бўлиш тамойиллари ва ўзига хос амалий хусусиятлари билан боғлиқ масалалар тобора долзарблашиб бормоқда. Мазкур масалаларни илмий ўрганиш ва тадқиқотлар натижалари асосида муҳим ҳулосаларни шакллантириш, амалиёт учун зарур дастур ва режаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни тизимли амалга ошириш масалалари ҳам кун сайин кучаймоқда.

Радикаллик ёшликнинг муҳим хусусияти бўлиб, у онгда максимализм ва индивидуал шахсий даражадаги хатти-ҳаракатларнинг радикал намоён бўлишининг турли шакллари сифатида тушунилади. Ёшликнинг имманент хусусияти сифатида турли шароитларда радикаллик юзага келади.

Шундай экан, бугунги кунда маънавий тараққиёт тамойилларининг узлуксизлиги ва юқори натижадорлигини таъминлайдиган илмий-назарий асосларни мустаҳкамлаш пайти келди. Ваҳоланки, жамиятимиз тараққиёти учун маънавий ҳаётдаги янгилинишлар кўрсаткичини, уни таъминловчи фаолиятнинг мазмун-моҳияти, мақсад-вазифаларини ўрганиш муҳим заруриятдир.

Бугунги ислохотлар ва янгилинишларнинг мазмун-моҳиятини англаб, ҳулосалар чиқариш, шу асосда оптимал таклиф ва тавсиялар бериш, маънавий-маърифий тарғибот ишлари тизимини такомиллаштириш ҳам шундай вазифалардан бири ҳисобланади.

Республиканинг барча ҳудудларида маънавий-маърифий ишлар тизимини янада оптималлаштириш ва самарасини ошириш бўйича “Ҳаракатлар дастури”ни ишлаб чиқиш ҳамда уни аҳоли ўртасида кенг ёйиш зарур.

Аҳолининг таълим тизимидан ташқаридаги қисми орасида “Янги Ўзбекистон

¹Маънавият ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айланиши керак. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Республика маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи. – Тошкент, 2023 йил 22 декабрь

маънавияти” инноватсион ўқув модули лойиҳасини тақдим этиш ҳам бу жараённинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Мутахассислар фикрича, бунда аҳолининг барча қатламларига хос хусусиятларни ҳисобга олиш ва барча давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар фаолиятини қамраб олиш асосий талаб ҳисобланади.

Радикал шахсларнинг ижтимоий-маънавий портретига, аввало, мустаҳкам ички эътиқод, ўзгаришга бўлган қатъий ишонч ва анъанавий меъёрларга нисбатан танқидий муносабат алоҳида ўрин тутаяди. Бундай шахслар, одатда, мавжуд тизимни ўзгартиришга интилади, ўз фаолиятида қатъийлик ва бағрикенгликдан кўра кескинлик ва зиддиятли ёндашувни афзал кўрадилар. Уларнинг ҳаётий позициясида ижтимоий адолат, тенглик ва ҳақиқатга интилиш марказий ўрин эгаллайди, аммо бу мақсадлар улар томонидан кескин усуллар билан амалга оширилиши ҳам мумкин.

Маънавий жиҳатдан радикал шахслар кўпинча ноқонформист, яъни жамиятнинг умумий нуқтаи назардан четда турадиган шахслар сифатида намоён бўлади. Улар маънавий дахилсизлик, шахсий эркинлик ва фикрлаш мустақиллигини ҳар нарсадан устун кўядилар. Бу шахсларда кўпинча ўзини фидо қилиш, идеал учун курашиш, ҳатто қурбонликка тайёр туриш каби ҳислатлар ҳам кўзга ташланади. Шу боисдан, бундай шахсларнинг ҳаёт тарзи, фикрлаш услуби ва ижтимоий муносабатларда маъмурий, анъанавий ёки муҳитга мослашувчанликдан кўра, ўз позициясини қатъий ҳимоя қилиш тенденцияси устувор бўлади.

Ҳозирги глобаллашув, инсон қалби ва онги учун қизгин кураш кетаётган бир пайтда, жамиятимизнинг тадрижий ривожланаётган маънавий ҳаётига ҳам турли ғоявий хуружлар таҳдид солиши тайин. Бу жабҳада таҳдидбардош жамиятни барпо этишда қуйидагилар алоҳида диққатни талаб қилади:

– кўرғазмалиликнинг ижтимоий онгга таъсири юқори бўлишини ҳисобга олган ҳолда, юқсак маънавиятни тарғиб қилувчи кўрғазмали воситаларни муайян руқн остида доимий равишда нашр этиш;

– халқимиз, айниқса ёшларимизни турли кўринишдаги бузғунчи ғоялар ва ҳаракатларга қарши ақлий жиҳатдан “қуроқлантириш” мақсадида маърифий мавзуда илмий-оммабоп нашрларни кўпайтириш ва жойларга етказиш;

– соҳага доир нашрлар, кўрғазмалар тўпламлари, рисоаларни тақдим этиш ҳамда жамоатчилик эътиборини тортиш ишида реклама ишларини тўғри ташкиллаштириш;

– маънавий-маърифий тарбия борасида таъсирчан усуллардан бўлган ижтимоий роликлар тайёрлаш ҳамда уларнинг телеэкранлардан ўрин олишига эришиш;

– турли салбий омиллар ҳосиласи бўлган маҳаллийчилик, бузғунчиликка мойиллик каби иллатларга барҳам бериш учун замонавий илмга асосланган ва жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш борасида барқарорликни таъминлашга қаратилган фаолият механизмини яратиш.

Аҳолининг таълим тизимидан ташқаридаги қисми билан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқотлар доирасида “Ўзбекистон жамияти маънавий тараққиёт тамойилларини амалга ошириш ва бу фаолиятни самарали таъминлашнинг долзарб вазифалари” мавзусида маърузалар, давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар ташкиллаштирилса, кўйилган мақсадлар сари қадам ташланади.

Шу билан бирга, маънавият тарғиботига масъул ташкилотлар ижодкорлар, нашриётлар, газета ва журналлар таҳририятлари билан ҳамкорликда “Ўзбекистоннинг маънавий ҳаёти” руқни остида мавзуга доир мақола, китоб, альбомлар, медиамаҳсулотларни тайёрлаб, оммага етказиш чораларини кўриши лозим. Оммавий ахборот воситалари, айниқса замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб, турли тилларда янгилик ва ўзгаришларни тақдим этиб бориш, “Жамиятнинг маънавий ҳаёти” мавзусида “вебсайт” яратиш, маълумотларни жойлаш ҳам соҳадаги ишларга ҳолисона қарашларни шакллантиради.

Дунёда ва минтақамизда турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган бугунги нотинч замонда фарзандларимизни юқсак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу мақсадда ёшларимизнинг она юртимиз ва халқимизга меҳри ва садоқатини

оширишга янада кўпроқ аҳамият бериш зарур ва бу ҳозирги даврнинг талабига айлангани шубҳасиз. Бунда радикал шахсларнинг ижтимоий ва маънавий таъсири, уларнинг шахсий сифатлари ва жамият билан муносабатлари илмий асосда кўрсатилади.

Бу йўлда мамлакатимизда миллатлараро дўстлик, диний конфессиялар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ижтимоий бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятларни сафарбар этиш барчамизнинг ўткир масъулиятимиз эканини чуқур англаб яшаш ва ишлашгина кутилган натижаларни бериши мумкин.

Ёш авлодни соғлом фуқаролик позициясида тарбиялаш, уларда ватанпарварлик, бағрикенглик, мулоҳазали танқид ва мулоқат маданиятини шакллантириш – радикал гуруҳларга қарши кураш профилактиканинг энг самарали ижтимоий – маънавий механизмлардандир.

ADABIYOTLAR

1. Маънавият ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айланиши керак. Президент Шавкат Мирзиёевнинг республика маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи. – Тошкент, 2023 йил 22 декабрь
2. Jumaniyozov X.S., Rasulova A.M. Ekstremizm va terrorizmga qarshi kurashning ma'naviy-ma'rifiy asoslari. O'quv qo'llanma. T.-2019.
3. Нурмуродов Б., Абдуллаев М. — "Экстремизм ва терроризмнинг маънавий-ахлоқий асослари", Тошкент, 2017 йил.

РЕЗЮМЕ:

Мазкур мақолада ёшлар тарбияси учун хавfli бўлган радикализмнинг турли салбий ғоялар ва омиллар билан узвий боғлиқлиги ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: ёшлар тарбияси, радикализмга қарши фаолият, меҳнатсеварлик, жамоавийлик, ибрат омили, маънавий камолот, ижтимоий фаоллик.

РЕЗЮМЕ:

В статье анализируются идеи радикализма и борьба с ним при помощи таких факторов, как благодарность, доверие, целеустремленность и трудолюбие.

Ключевые слова: воспитание молодёжи, радикализм, доверие, целеустремленность, трудолюбие, коллективизм, фактор примера, духовная зрелость, социальная активность.

RESUME:

This article provides a socio-philosophical analysis of the interconnection between youth education and such factors as gratitude, trust, purposefulness, and diligence.

Keywords: youth education, gratitude, trust, purposefulness, diligence, collectivism, role model factor, spiritual maturity, social activity.